

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2019 йил 4 сон

ПЕДАГОГИКА

ПУЛАТОВА З, БОЛТАЕВА З, АШУРОВА Ф. Designing activities for young learners in efl classrooms.....	137-141
АХМЕДОВА М. Х. Таълим жараёнида мультимедиа-ахборот воситаларидан фойдаланишнинг афзалликлари.....	142-148
МАХМАДИЕВА Г. С. МАХМАДИЕВА Р. С Принцип наглядности как важный фактор при обучении русскому языку в условиях билингвизма.....	148-153
РАДЖАПОВА Н. Б. Актуальные проблемы методики преподавания русского языка в иноязычных группах.....	153-157
ТЕН С. К. Вопросы развитие культуры речи студентов неязыкового вуза	157-166
АБДУМУРАТОВА С. С.самообразование студентов в условиях современного информационного общества	167-169
САТТАРОВА Е. А. Межъязыковые сопоставления эвфемизмов в лингвокультурологическом аспекте русского и узбекского языков.....	170 -175
НОРМУРОДОВ И. поэтическая особенности русской художественной литературы	175-179
ХОДЖАХАНОВ М , ЭРНАЗАРОВ Ф, НУРМАТОВ Ё. Статус, проблемы, аспекты.....	180-192
РЎЗМАТОВА М. А. Хорижий тилларни ўқитишда таълим жараёнини самарали бошқаришни такомиллаштириш масалалари	192-196
МИРСАГАТОВА У. XX аср бошларида яратилган дарсликларда таълим усуллари	196-202
МАМАТАЛИЕВА Н, КУЧАРОВ Ж. Todern approaches to the study of phraseological units and their national specifics.....	202-212
РАЖАБОВА Н. Актуальные вопросы изучение распространение межкультурной коммуникации в информационых полях	212-215
АВЛАҲЕВА S. B. Nofilologik oliy ta'lim maskanlarida xorijiy tillarni o'qitishning dolzarb masalalari.....	216-221

ИЖТИМОЙ ГУМАНИТАР ФАНЛАР

УСМАНОВА У. Тарих шохидлиги ва сабоқлари (1945-1955 йиллар).....	222-227
ҒАЙБУЛЛАЕВ О Давлат ва жамият ҳаётини демократлаштиришда ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш масалалари.....	228-231

ТАБИЙ ФАНЛАР

Қурбонова Д. М. Парранда гўштида мавжуд бўлган кимёвий таркибини ўрганиш масалалари.....	232-236
-------------------------------------------------------------------------------------------------	---------

2. Заменяют одни фразеологизмы другими, имеющими тот же самый эффект.

3. Чем-то переводчик может пожертвовать, опустить какие-то детали, напротив, что-то добавить, вводя пояснительные слова, без которых данное место в переводе осталось бы непонятным читателю.

4. Предложения часто перестраиваются в соответствии с синтаксисом русского языка. Никакое желание сохранить грамматические конструкции или стилистические приёмы оригинала не может служить оправданием нарушения норм языка, на который делается перевод.

5. Если всё-таки переводчику приходится опустить какой-то элемент, имеющий большое значение в оригинале, то ему находят замену.

6. При необходимости переводчик может объединять или разделять предложения.

Литература:

1. В. С. Виноградов. Искусство перевода.-М.: -Западная Литература,1992.
2. С.А. Влахов ., С. П.Флорин. Непереводимое в переводе//Вестник МГУ, №1.1978. Стр. 128-134.
3. В. Н. Комиссаров, Теория перевода. Уч.пособие. Москва, Изд. Наука, 1991.
4. А. Д. Швейцер.Статус, проблемы, аспекты//Иностранные языки в вузе №2.Рязань, 1999.

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Рўзматова Мамлакат Азадовна- Чирчиқ давлат педагогика институти, факультетлараро чет тиллар каф. ингл.тили ўқитувчиси.

Аннотация.Мазкур мақолада инглиз тили таълими жараёнининг бошқарувида самарали таъсир этувчи бошқарувининг турли ёндашувлари ўз аксини топган

Калит сўзлар:функционал ёндашув, тизимли ёндашув, вазиятли ёндашув, тадқиқотчилик ёндашуви,мотивацион ёндашув

Аннотация.В данной статье описываются различные подходы к управлению, которые могут эффективно влиять на управление процессом обучения английского языка

Ключевые слова: функциональный подход, системный подход, ситуационный подход, исследовательский подход, мотивационный подход

Annotation. This article describes various management approaches that can effectively influence learning management

Key words: functional approach, systematic approach, situational approach, research approach, motivational approach

Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганиш доимо мамлакатимиз раҳбарларининг назарида эканлиги, бу эса биз педагогларнинг олдига жуда катта ва масъулиятли вазифаларни қўйиши таълим тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Олий ўқув юртида амалга ошириладиган барча жараёнлар орасида бошқарув муҳим ҳисобланади, чунки айнан у талабаларнинг шахсий потенциални очиб бериш, йўлга қўйиш ва ривожлантиришни таъминлайди. Бироқ талабалар индивидуал танлаш ҳуқуқининг тан олинishi ўқитувчини талабанинг ўқишини қатъий башорат қилиш ва қатъий раҳбарлик қилишдан воз кечишига олиб келади. Мана шунда муайян қонуний савол туғилади: талабалар билан ўзаро ҳамкорликда таълим жараёнининг бошқаруви қандай?

Таълим жараёнининг муаммолари бошқарувчилик фаолиятига тўғридан тўғри боғлиқ. Ҳар қандай янгиликлар бетартиб жорий қилинса, уларни олий ўқув юртининг таълим жараёнига жорий қилишнинг бошқарувчилик механизмини махсус ишлаб чиқилиши кўзда тутилмаса, юқори натижа бермайди.

Таълим жараёнининг бошқаруви қандай бўлиши керак, деган саволга бошқарувга турлича ёндашувларни назарда тутган ҳолда жавоб бериш мумкин. Таълим жараёни бошқарувига турлича ёндашувлар бир қатор олимлар томонидан бир неча марта очиб берилган. Улар функционал, тизимли, вазиятли, оптималлаштирувчи ва тадқиқотчилик ёндашувлари бўлиши мумкин.

Функционал ёндашувга асосан бошқаларнинг фаолиятини бошқариш хатти-ҳаракатлар ва турли кўринишлардан иборат ҳолда қаралади. Бошқарувнинг замонавий назариясида бошқарув функцияларини таснифлашнинг турли хил схемалари мавжуд. Бизнинг фикримизча, В.С.Лазарев ва М.М.Поташкин, Ш.Э.Курбонов ва Э.А.Сейтхалиловларнинг концепцияси амалий фаолиятда қўллашга анча қулай. Улар бошқарув жараёнини ташкил этувчи тўртта функцияни ажратиб кўрсатадилар: режалаштириш, ташкил қилиш, мотивация ва назорат қилиш. Бу функцияларнинг ҳар бири максадларни қўйишдан бошлаб уларга эришишгача

бўлган тўлик бошқарувчилик циклини ҳосил қилиши мумкин бўлган тузилмага эга мураккаб таълимдан иборат.

Бошқарувга иккинчи ёндашув – бу тизимлиёндашувдир. Олий ўқув юртини ички бошқарув назариясида таълим муассасаси мураккаб ижтимоий-педагогик тизим сифатида қаралади. Таълим муассасасида кечадиган жараёнларни ҳам педагогик тизимлар сифатида қараш мумкин. Тизимлиёндашув таълим жараёни тузилмасида, ўз навбатида, ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган кичик тизимлар тўпламидан иборат бўлган турли-туман компонентларни ажратиб кўрсатишни мақсад қилиб қўяди. Тизимлиёндашув таълим жараёнини бошқаришга функционал ёндашувни инкор этмайди, аксинча, бошқарув жараёнини функциялар тизими сифатида ўрганишга йўналтиради. Улардан бирини нотўғри амалга ошириш бутун бошқарув тизимига таъсир кўрсатиши мумкин. Биринчи гуруҳнинг иккита қайд этилган ёндашувларини таҳлил қилиш куйидагиларни айтиб ўтиш имконини беради:

- ўрганилган ёндашувлар бошқарувнинг формал тузилмасини аниқ ажратиб кўрсатиш учун етарли, унинг мавжуд бўлиши бошқарувни катъий алгоритмлаштириш имкониятини белгилаб беради;

- бошқарув алгоритмларининг мавжуд бўлиши олий ўқув юрти амалиётида бир хил типдаги, циклик хусусиятга эга бўлган муаммоларни самарали ҳал қилишини таъминлайди;

- мазкур ёндашувларни олий ўқув юрти ҳаётининг аниқдалилларига, шу жумладан таълим жараёнига нисбатан қўллашга уринилганда жиддий қийинчиликлар юзага келишининг бир қатор сабаблари мавжуд.

Энди функционал ва тизимлиёндашувларнинг асосий *м*та камчиликларини санаб ўтамиз:

- мазмуний жиҳатларига зарар етказиш ҳисобига бошқарув кучларини асосан таълим жараёни иштирокчилари фаолиятининг ташкилий-тузилмавий жиҳатларига жамлаш;

- бошқарувда шахсдан фойдаланиш тамойилининг устунлиги.

Бошқарув циклига мотивация функциясининг киритилиши кўрсатилган сабабни бартараф қилиш учун қулай шароитлар яратади:

- олий ўқув юртида, хусусан таълим жараёнида педагогик жараён иштирокчилари фаолиятида узилишларнинг олдини олиш режими ўрнига берилган параметрларни ривожлантиришдан четга огишларнинг асоратларини бартараф этиш режимининг ўрнатилиши.

Биринчи гуруҳ ёндашувлари доирасида кўрсатилган камчиликлардан қочишга уриниш вазиятлиёндашув шаклида ифодаланган. Аниқ вазият, унга таъсир қилувчи ташки ва ички омиллар вазиятлиёндашувнинг асоси

ҳисобланади. Бу ҳолда, юқорида қайд этилганидек, аниқ ўқув вазияти бошқарув объекти ҳисобланади. Бундай ёндашув бошқарувнинг моҳиятини тушуниш билан субъектларнинг ўзаро таъсири сифатида мослаштирилади. Вазиятلىёндашувда бошқарувнинг турли хил методлари, усулларининг яроқлилиги аниқ вазият орқали аниқланади. Ҳам таълим жараёнининг ўзида, ҳам атроф-муҳитда жуда кўп омиллар мавжудлиги сабабли, таълим жараёнини бошқаришнинг ягона “энг яхши” усули мавжуд эмас. Вазиятلىёндашув, худди тизимлиёндашув каби содда коидалар тўплами бўлмай, бошқарувчилик тафаккурининг усулини ифодалайди. Мазкур жараёнда ёндашувларнинг турли кўринишларидан самарали ва оқилона фойдаланиш талаб этилади.

Бошқарувда оптималлаштириш ёндашувининг моҳияти аниқ олий ўқув юрти шароитларида қўлланилганда бошқарув фаолиятига рационал вақт сарфлаб, таълим жараёнининг максимал мумкин бўлган пировард натижаларига эришиш мақсадида бошқарув тузилмаси ва жараёнини ўзгартира оладиган чора-тадбирлар тизимини лойиҳалаштиришдан иборат.

Бошқарувнинг натижавийлигини оширишнинг яна бир йўли сифатида тадқиқотчилик ёндашувини айтиш мумкин. Тадқиқотчилик кўпинча таълим жараёни алоҳида бўгинларининг натижавийлигини оширишнинг йўллари ва шарт-шароитларини аниқлашга қаратилган. Одатда, бу вазиятда гап таълим жараёнига турли хил инновацияларни киритиш ҳақида боради. Бу жараён доимо тадқиқотчилик билан биргаликда олиб борилади. Бошқарувнинг тадқиқотчилик йўналиши қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мақсадни аниқлаштириш;
- ўрганиш объектини танлаш;
- мақсадга эришишнинг оптимал воситаларини танлаш;
- ўрганиш натижаларини аввалдан дастлабки баҳолашнинг усуллари ва параметрларини танлаш.

Бу ерда таълим жараёнининг ташкил қилиниши ва мазмуни соҳасида барча қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг илмий асосланганлигининг оширилиши асосий омил ҳисобланади. Бунинг учун тўпланадиган маълумотларни объектив баҳолаш, хулосалар исботланган бўлиши зарур, ўқитувчилар эса тадқиқотчилик методларини, қўйилган мақсадларга мос тадқиқотчилик методлари мажмуасини танлай олиш малакасини эгаллаган бўлишлари керак.

Бошқарув марказида инсон кизиқишларини ҳисобга олиш ҳамда уларни фаолиятга кизиқтира олишга йўналтирадиган ёндашувлардан бири мотивацион ёндашув ҳисобланади (В.С.Лазарев, Л.М.Перминова, П.И.Третьяков, Т.И.Шамова, Ш.Э.Қурбонов, Э.А.Сейтхалилов, Р.Х.Джураев).

Бу ёндашувнинг мақсади, таълим жараёнининг барча иштирокчиларини фаолиятдаги фаоллигини таъминловчи рағбатлантиришнинг психологик-педагогик механизмини излашдан иборат. Замонавий психологик тасавурларга кўра инсоннинг бирор бир натижаларга эришишга мотивацияланганлик даражаси уч кўрсаткич билан аниқланишини таъкидлаб ўтамиз: натижага эришиш мумкинлигини баҳолаш, бу натижаларга эришилганда кутиладиган оқибатларни баҳолаш, оқибатларнинг фойдалилигини (эътиборга лойиқлигини) баҳолаш. Ш.Э.Қурбонов раҳбарлик функциясининг асосий вазифасига барча субъектив баҳолар ижобий бўладиган шароитларнинг таъминланиши деб таъриф беради.

Айнан шунинг учун ҳам, ўқитувчи таълим жараёнини ташкил этишда талабалар улардан қандай натижаларни кутаётганликларини яхши тушунишларини; бу натижаларга эришишларига ишонишларини; фаолиятда иштирок этишларига мотивация ҳосил қилишга тўғри йўналтира олишни, ҳамда улар билан биргаликда тўғри фаолиятни амалга ошириши зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Лазарев В.С. Управление образованием на пороге новой эпохи // Педагогика, 1995, № 5. – С. 12.
2. Поташник М.М. и др. Управление инновационными процессами в образовании. – М., 1994.
3. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Кадрлар тайёрлаш миллий модели: XXI асрни кўзлаб // Халқ таълими, № 4. 1998. – 15-17-б.

XX АСР БОШЛАРИДА ЯРАТИЛГАН ДАРСЛИКЛАРДА ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИ

Умида Мирсагатова- ТКТИ "Тиллар" кафедраси катта ўқитувчиси
umida.mirsagatova.70@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада таълим тарбиянинг муштарак эканлиги, аср бошида жади́дчилик ҳаракатининг маънавий асослари ва жади́д мактабларининг ташкилотчилари ҳақида назарий фикрлар берилди. Жади́д мактаблари учун яратилган алифбо ва ўқув қўлланмаларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти ҳақида маълумот берилди.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, маънавият, хулқ, ахлоқ, жади́дчилик.